

**QUMQO'RG'ON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

190900, Qumqo'rg'on tumani O'zbekiston
shoh ko'chasi



**KUMKURGAN INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

190900, Kumkurgon district, Uzbekistan
shakh street

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Tel: (+99876) 465-20-78,

Fax: (+99876) 465-21-55

email:i.qumqurgon@sud.uz

Ж Р И М

Кумқўрғон тумани

2023

PDF февраль

-сонли иш

Кумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Ғозиев
раислигида, судья ёрдамчиси М.Хидировнинг котиблигида, даъвогар вакили
А.Менглибоев (ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар

жавобгар

ҳисобидан

ундириш тўғрисидаги даъво аризасини очиқ суд мажлиси муҳокамасида
кўриб чиқиб, қўйидагиларни,

аниқлади:

даъвогар

жавобгар

ҳисобидан

асосий қарз ва

ундиришни

сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили фермер хўжалиги
ўртасида тузилган медиатив келишувни тақдим этиб, суддан даъвони
кўрмасдан қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг
131-моддасига кўра, тарафлар низони медиатив келишув битимини тузиб
ҳал этиши мумкин.

Медиатив келишув битими даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича
тузилиши мумкин.

Медиатив келишув биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага
(маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар
тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг
15-моддасига мувофиқ, медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида
қўлланилади. Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида
кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага
(маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа
органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Ушбу қонуннинг 16-моддасига асосан, медиацияни қўллаш
тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт
тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб
чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар



медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўлдан тўғрисидаги келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш мулк ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра, низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, иқтисодий суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Суд, тақдим этилган медиация келишуви ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, тарафлар ўртасида имзоланган медиация келишуви қонун талаблари асосида расмийлаштирилган деб топиб, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 15, 16, 17-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 130, 131, 195-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогар [Redacted] томонидан тўланган [Redacted] почта ҳаражати унинг зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ш.Ғозиев

